



ШЕЪРИЙ МАТН ТАЛҚИНИ, ТАРЖИМАСИ ВА ЛИНГВОПОЭТИКА

Буматова Аидахон,

Ўзбекистон миллий университети ўқитувчиси

Калит сўзлар: шеърий таржима, образ талқини, лингвопоэтика.

Байроннинг нисбатан кичик ҳажмга эга шеърлари орасида энг машҳурларидан бири бу унинг “Lines written in an album, at Malta” шеъридир. Мазкур шеър рус ва ўзбек тилларига ўгирилган бўлиб, куйида аслият матни ва унинг таржима матнларининг лингвопоэтик таҳлилини қиламиз. Шеър саккиз мисрадан иборат.

Byron - “Lines written in an album, at Malta:
As o'er cold sepulchral stone
Some name arrests the passer-by:
Thus, when thou view'st this page
alone,

May mine attract the pensive eye!
And when by thee that name is read,
Perchance in some succeeding year,
Reflect on me as on the dead,
And think my heart is burned here.

Мазкур шеър тасвир, қиёс ва ўхшатишлар асосига қурилган ва хитоб кўринишида битилган. Шоир совуқ қабр тошлари узра ўйиб ёзилган баъзи бир исмлар, йўловчиларнинг эътиборини тортиб қолгани каби, сен ҳам шу варақни ёлғиз варақлаганингда, сенинг ўйчан кўзингни менинг исмим ҳам шундай тортсин дея хитоб қилмоқда. Келажакда тўсатдан менинг исминини ўқиган чоғингда, мени ўтган одамни эслагандек ёд эт ва менинг юрагим шу ерга дафн этилган дея бил демоқда. Шу ўринда, шоир ўзини вафот этган одам сифатида қайд этмаётганига эътибор қилишимиз зарур. У шунчаки, ўзини вафот этган одамни эслаган каби эсланишини хоҳлаяпти. Бу образ, биринчидан, биринчи мисрадаги қабр тоши ва гўристон мавзусининг мантикий давоми бўлса, иккинчидан, дунёдан ўтган одам, йиллар ўтгани сари, ҳар куни эмас, ҳар-ҳар замонда бир эсланиб қўйилади. Аммо, шу эсланишда

уни фақат яхши гап ва илиқ ҳислар билан хотирлайдилар. Шоир мазкур шеърда худди мана шу ҳолатга ишора қилмоқда.

Ф.И. Тютчев таржимаси [3]:

Как медлит путника вниманье
На холодных камнях гробовых,
Так привлечет друзей моих
Руки знакомой начертанье!
Чрез много, много лет оно
Напомнит им о прежнем друге:
“Его уж нету в вашем круге;
Но сердце здесь погребено!..”

Таҳлилни Ф.И.Тютчев

таржимасидан бошлаймиз. Аслиятдаги “cold sepulchral stone” бирикмаси таржимада “хладных камнях гробовых” кўринишида берилмоқда. Таржимада “Some name” бирикмаси тушириб қолдирилган, унинг ўрнига тўртинчи мисранинг охирида “May mine” бирикмаси билан умумийлаштирилган ҳолда “Руки знакомой начертанье” бирикмаси киритилган. “Thou” сўзи эски инглиз тилига мансуб бўлиб, грамматик нуқтаи назардан иккинчи шахс бирликни англатадиган кишилиқ олмошидир. Таржимада эса унинг “друзей моих”, ва “их” кўринишига келтирилганини кўришимиз мумкин. “Some succeeding year” бирикмаси Ф.И. Тютчев таржимасида “Чрез много много лет” кўринишида гиперболани қўллаган ҳолда таржима қилинган. Аслиятдаги “view'st this page alone” бирикмаси, таржимада тушиб қолган. Умуман олганда, таржимада шоир исмининг айнан қаерга ёзилгани хусусида ҳеч бир сўз айтилмаган. Бу нарса албатта аслият маъносидан таржиманинг маъносини узоқлаштиради. Ўқувчида нега айнан шеърнинг номи “К альбому” деб аталган экан, альбомнинг шеърга нима



алокаси бор экан деган таассурот уйғониши мумкин. Энг муҳими таржимада шоирнинг аслият матнида “дунёдан ўтгандек” деган маъноли мисраси, таржимада “дунёдан ўтган” кўринишига келмоқда. Ва ниҳоят, юқорида таъкидлаганимиздек шеър Байрон томонидан тингловчига нисбатан тўғридан-тўғри хитоб кўринишида ёзилган. Таржимада эса, унинг хитоби кўчирма гап кўринишига келтирилган, ҳамда хитоб маъноси оддий дарак кўринишига келтирилган.

М.Ю. Лермонтов таржимаси [3]:

Как одинокая гробница
Внимание путника зовет,
Так эта бледная страница
Пусть милый взор твой привлечет.
И если после многих лет
Прочтешь ты, как мечтал поэт,
И вспомнишь, как тебя любил он,
То думай, что его уж нет,
Что сердце здесь похоронил он.

Навбатдаги таржима

М.Ю.Лермонтовга тегишлидир. Таржиманинг биринчи банди аслият матнининг маъносини жуда яхши акс этган. Стилистик нуқтаи назардан таҳлил қилсак, шоир томонидан “cold sepulchral stone” бирикмасининг айнан “одинокая гробница” сифатида берилиши, қабрнинг тасвирига жуда мос келади. Шоир “Some name” бирикмасини генерализация усулида таржима қилиб, уни юқоридаги “гробница” сўзининг маъносига қўшиб юборган. Аслиятдаги “pensive eye” ибораси, Ф.И.Тютчевнинг таржимасида синекдоха усулидан фойдаланилган ҳолда – “друзей” деб берилган бўлса, мазкур таржимада бу ибора “милый взор” ибораси билан ўгирилган. Шу ўринда, шоир томонидан кўзга нисбатан айнан “pensive” сифатининг ишлатгани хусусида тўхталсак. “Pensive” сўзининг луғавий маъноси – “ўйчан”, “хаёлчан”, “бирор нарсага жиддийлик, чуқур мушоҳада ва бироз ғамгинлик билан назар солиш”дир. Рус тилининг стилистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, М.Ю.Лермонтовнинг

қўллаган “милый” сўзи, “pensive”нинг деннотатив синоними бўлмаса ҳам, жуда ҳам чиройли коннотатив синонимия ҳосил қилмоқда. Таржиманинг иккинчи бандида М.Ю. Лермонтов нисбатан эркин таржимани амалга ошириб, шеърдаги “And when by thee that name is read” мисрасини рус тилига “Прочтешь ты, как мечтал поэт, И вспомнишь, как тебя любил он” кўринишида таржима қилади. Аммо иккинчи банднинг охириги икки мисраси аслият матни маъносини жуда яхши қамарб олган.

Я. Фельдман таржимаси [3]:

Заброшенных могил холодный
камень.
Идет прохожий, видит имена.
А ты сидел над этими листами
И наконец добрался до меня.
Ты их листал так много лет
Но лишь сегодня пригляделся.
Увы, Поэта больше нет,
Но здесь его осталось Сердце!

Энди Я. Фельдман таржимасини кўриб чиксак. Таржимон ўқувчининг олдига кириши гапини қўллаган ҳолда маълум бир саҳна гавдалантирмоқда. Унда гўристондаги қаровсиз қолган қабрларнинг совуқ тоши тасвирланган. Кейин эса йўловчининг ўша тошдаги исмларни кўриши тасвирланган. Учинчи мисрада эса бирданига эътиборимиз тингловчининг ниманидир варақлаб ўтилгани тасвирига тортилмоқда. Мисралар ўртасида мантикий боғланиш бузилган. Аслиятда шоир йўловчининг нигоҳини қабр тошидаги ёзувнинг тортишини ўхшатишга мисол қилиб бермоқда. Аслиятда бу иш-ҳаракат содир этилмаган. Бундан ташқари, Байрон мурожаат этаётган киши, аслида варақларни атайлаб шоирнинг исмини топиш учун кўриб чиқмаётган эди. Оригинал матнда иш-ҳаракат тўсатдан содир бўлган бўлса, таржимада бу маъно бутунлай ўзгариб кетган. Кейинги банд ҳам биринчи банднинг мантикий давоми сифатида, бир неча йиллар давомида айнан, шоирнинг ёзувларини ахтариб, фақатгина унинг ўлиmidан кейин



излаганини топган кишининг тасвирини бермоқда. Авваламбор, шоир кутилмаганда кўзга тушиб қолган ҳолатни тасвирлаган, иккинчидан эса, у вафот этмаган эди. Бу таржимани шеърнинг эркин интерпретацияси сифатида қабул қилиш мумкин.

И.И. Козлов таржимаси [3]:

Когда над сонною рекой
В тумане месяц красный всходит
И путник робкою стопой
По сельскому кладбищу бродит,
И если там случайно он
Знакомца камень повстречает,
- То, в думу тихо погружен,
Бывалое воспоминает.
Ах! так и ты, друг милый мой,
В тот час, как грусть тебя коснется
И взору, полному тоской,
Мое здесь имя попадется,
Ты мертвым уж считай меня.
Чем жизнь цветет, мне миновалось;
Лишь верь тому, что у тебя
Мое здесь сердце всё осталось.

Мазкур таржима ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан аслият матнидан тубдан фарқ қилаётганини кузатишимиз мумкин. Таржимон оригинал матнини эркин таржима қилиб, унга пейзаж қилиб сокин дарё, туман ортидан чарақлаб турган тўлин ой, ҳамда шу вақтда қишлоқ қабристонига кезиб юрган йўловчи образларини киритмоқда. Агар у бирор танишининг қабрини кўриб қолса, ўтириб, ўтган кунларни эслай бошлайди. И.И.Козлов таржиманинг охирига ҳам яна баъзи бадий тўқималарни киритади. Аммо у ҳам шоирни тириклар сафидан чиқариб юборган.

П.А.Вяземский таржимаси [3]:

Как надпись хладная на камне
гробовом
Вниманье путника невольно
пробуждает,
Пускай в твоих листах об имени
моём
Мой сетующий стих тебе
напоминает;

Пусть скажет: брошенный на
произвол судьбе,
Под дальним небом зрит он чуждое
светило,
Но всё, что жизнью сер дца
было,
И сердце самое оставил при тебе.

П.А.Вяземскийнинг таржимасига ҳам аслият матнида кузатилмаган янги образлар киритилган. Хусусан, “сетующий стих” ва унинг персонификацияси:

- “Пусть скажет: брошенный на
произвол судьбе,
Под дальним небом зрит он чуждое
светило”

Бундан ташқари шеърнинг охириги икки мисраси ҳам чиройли чиққан бўлса-да, аслиятдаги маънонинг эркин интерпретациясига айланган ҳолос.

А. Бистром таржимаси [3]:

Подражание Лорду Байрону
Как имя на доске холодной,
гробовой
Вниманье путника невольно
привлекает,
Так остановится задумчивый взор
твой,
Коль на пустынной сей странице
повстречает
Мое, забытое тобой!
Прочтешь, и мысленно меня
вспомнешь ты,
Как вспоминают тех, которых уж не
стало!
Так, здесь я схоронил заветные
мечты.

Таржимоннинг ўзи мазкур таржимани Байронга тақлид сифатида баҳолаган. Унинг маъноси умуман олганда, Байроннинг шеърига жуда яқин чиққан десак бўлади. Энг асосийси, бу таржимада юқорида айтиб ўтилган “pensive eye” иборасининг таржимаси сифатида “задумчивый взор” бирикмаси келтирилган. Анча вақтдан бери қўлга олинмаганлик маъносини таъкидлаш учун киритилган “пустынной сей странице” бирикмаси, “забытое тобой!” бирикмаси



билан қўшилиб, шеърга жуда катта таъсирчанлик бермоқда. Унутилганлик ва қаровсизлик сўзлари бирлашиб, шоирнинг кўнгилдан ўтган ҳисларни сезиш имконини бермоқда.

Шукрулло таржимаси[1;13]:

Альбомга

Йўловчилар эътиборини

Якка қабр тортгандек бир дам,

Шу бир парча қоғоз бетлари

Кошки тортса нигоҳингни ҳам.

Узоқ йиллар ўтгач, бир замон,

Шу варақни ўқиганинг он,

Шоир нени орзу қилганин

Ва эсларсан қандай севганин.

Билки, шунда топгайсан уни,

Шу қоғозга кўмган қалбини.

Шукруллонинг таржимаси рус тилига қилинган М.Ю. Лермонтовнинг таржимаси воситасида қилингани шеърнинг маъносидан ҳам кўриниб турибди. Рус тилига “бледная страница” деб ўгирилган “page alone” бирикмаси ўзбек тилига “бир парча қоғоз бетлари” сифатида ўгирилган. Бир парча қоғоз деганда одатда қоғознинг кичикроқ бир бўлаги тушунилади. Яни, бир парча қоғознинг ҳажми ўзи кичкина бўлади. Шу сабабли ҳам, ўзи кичкина бўлган бир парча қоғознинг бетларини тасаввур этишда ўқувчи маълум бир маънодаги когнитив диссонансни ҳис этиши мумкин. Шукрулло ҳам М.Ю. Лермонтовга эргашиб, таржима матнига аслиятда мавжуд бўлмаган “Шоир нени орзу қилганин, Ва эсларсан қандай севганин” мисраларини киритади. Аммо шеърнинг охирги мисраларида Шукруллонинг шоирлик маҳорати жўш уриб, рус тилига қилинган таржимада берилган “То думай, что его уж нет”, - мисрасини “Билки, шунда топгайсан уни” мисраси билан ўгиради. Албатта Шукруллонинг таржимаси бевосита эмас, рус тили орқали қилинган билвосита таржима бўлгани

сабабли, аслият матнидан чекинишлар мавжуд. Аммо, аслият матнини кўрмасдан туриб, М.Ю. Лермонтовнинг таржимасига қўшилган ўзгартиришларни у аниқлай билиши мумкин ҳам эмасди, албатта.

Биз юқорида битта шеърнинг еттита таржимон томонидан амалга оширилган, етти хил таржималарининг таҳлилини кўриб чиқдик. Таҳлилнинг энг муҳим ва эътиборга молик жиҳати шундаки, ягона матнни битта тилга қилинган олти таржимаси умуман бир-бирига ўхшамаган. Ҳар бир таржимон ўзи қилган таржимада ўзининг шоирлик изини қолдирган. Бу нарс таржиманинг стилистик, маъновий ва шаклий томонларида яққол намоиш бўлмоқда. Шундай қилиб, айниқса шеър таржима билан шуғулланаётган таржимон учун, шеърнинг маъносини тўғри интерпретация қилиб олиш жуда муҳим экан. Оригинал матнда ишлатилган стилистик бирликлар ва шаклий хусусиятларни таржима матнига кўчириб ўтказиш, тўғри талқин қилинган маъно билан бирлашиб, таржима тилида жуда ҳам чиройли ва аниқ таржима матни композицияси яратилишининг асосий шарт экан. Таржимани бевосита амалга ошириш эса, унинг аниқ ва аслият маъносини тўлиқ қамраб оладиган бўлиб чиқиши учун зарурдир. Мустақиллик йилларида чет тилларини ўқитишга берилаётган ниҳоятда катта эътиборнинг самараси сифатида, бугунги кунда бизда адабиётлараро бевосита таржималарни амалга ошириш имкони яратилган[2; 46]. Шу имкониятдан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда, миллатимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш, ҳамда миллий адабиётимизни жаҳонга олиб чиқиш каби муҳим вазифалар бугунги кун таржимонлари амалга ошираётган энг долзарб ва шарафли вазифадир.

Адабиётлар:

1. Байрон, Жорж Гордон. “Ушалмаган орзулар”, - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. – 152 б. (Жаҳон шеърятини дурдоналари);



2. Мусаев, Қудрат. Таржима назарияси асослари. –Тошкент, 2005, 177б.
3. <http://ruthenia.ru/byron/html>

Bumatova A. *The interpretation, translation of a poetic text and linguopoetics.* The article discusses a poetic image interpretation, analysis and translation characteristics.

Буматова А. *Интерпретация, перевод и лингвопоэтика поэтического текста.* В статье рассматривается интерпретация, анализ и особенности перевода поэтического образа.
